ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 7 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
Directory Indexing of International Research Journals-CiteFactor 2020-21: 0.89
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-7-222-226

ИНТЕРНЕТ ФИРИБГАРЛИГИГА ОИД ЖИНОЯТЛАР ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ

Боходир Абдасович Улугбеков
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кафедраси бошлиғи
Полковник

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада интернет тармоқлари ва турли йўллар билан ўзгаларнинг мол – мулки ва тинчлигига хавф солувчи ҳуқуқбузарликлар ва уларни олдини олиш борасида Ўзбекистон ва ҳориж мамлакатлар тажрибалари келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: фирибгарлик, жиноят, киберфирибгарлик, хавф, жабрланувчи, телефон фирибгарлари.

КИРИШ

Ҳозирги шиддат билан ривожланиб бораётган замонда республикамизда олиб борилаётган ислоҳотлар замирида мамлакатимизнинг иқтисодиёти кундан-кунга юксалиб, аҳолининг давлат органларига бўлган ишончи ортиб бормоқда. Киберфирибгарлик ёки интернет фирибгарлиги деб ном олган жиноятлар кўлами кенгайиб бормоқда. Уларга қарши курашишда бугунги кунда кадрлар салоҳияти, уланинг билим ва кўникмалари даражасига алоҳида этибор қаратилмоқда. Шу ўринда жиноят ҳуқуқи назариясида киберфирибгарлик тушунчаси тўғрисида турли хил фикирлар мавжуд. Ҳусуссан, В.К.Барчуковнинг фикрича, киберфирибгарлик комьпютер фирибгарлиги бўлиб, у ички маълумотлардан фойдаланган ҳолда фирибгарлик ва ишончни суиистеъмол қилиш орқали ўзганинг мулкига тажовуз қилишдир. Д.А.Зикованинг фикрича, киберфирибгарлик жинояти компьютер технологиялари ёрдамида фирибгарлик, ишончни суиистеъмол қилиш орқали ўзга шахснинг пул маблағларини ўзлаштириш, унинг мулкига зарар келтириш ва ушбу мулкка эга бўлиш ҳисобланади. М.А.Ефремова эса, “киберфирибгарлик” тушунчасини “комьпютер маълумоти орқали фирибгарлик қилиш” тушунчаси билан бир ҳил эканлигини ва уларнинг синоним сўзлар ҳисобланишини таъкидлайди.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
Directory Indexing of International Research Journals-CiteFactor 2020-21: 0.89
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-7-222-226

Юқоридаги олимларнинг фикрлари тўғри, ҳақиқатан ҳам киберфирибгарлик ахборот технологиялари ёрдамида амалга оширилади ва ўзга шахснинг мулкига, ушбу шахсларнинг ишончига кириш ёки ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан эга бўлишга қаратилади. Бироқ, миллий қонунчилигимизда компьютер технологияси тушунчаси ва унинг механизми белгилаб берилмаган, фақатгина электрон ҳисблаш машинаси билан боғлиқ қоидалар мавжуд эканлиги билан ифодаланади. Шунингдек, мазкур тушунча тор тушунча бўлиб, уни ахборот технологиялари ва коммуникациялари ўз ичига қамраб олади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

XXI-аср ахборот технологиялари даврида ўзининг кенг қамровлилиги билан ажралиб турувчи ва йилдан йилга кўпайиб хозирги кун асосий мавзуларидан бирига айланиб бораётган киберфирибгарлик жиноятлари жамиятга жуда катта хавф келтириб чиқармоқда. Биргина жиноят ишлари бўйича судларнинг 2019 йил фаолиятига оид статистик маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, содир этилган фирибгарлик жинояти 6321 тани ташкил этган бўлса, 2020 йил давомида эса 10496 тани ташкил қилган. Қарийб 42% га ўсганлигини кўришимиз мумкин. Ушбу жиноятларнинг аксарият қисми киберфирибгарликни ташкил этмоқда. Эътиборлиси шундаки, мазкур жиноятларнинг содир этилиш усули янгича кўринишда содир этилмоқда. Жумладан, 2020 йилнинг декабрь ойида Шофиркон тумани Шибирғон маҳалласида яшовчи, 1990 йилда туғилган С. туман Ички ишлар бўлимига мурожаат қилиб, ўз мурожаатида номаълум шахс, “Telegram” ижтимоий тармоғидаги “Хоразм бройлер” ва “broiler.uz” каналларидан унга ўзини “Саховат” номли корхона директори А. деб таништириб, 70.000.000 сўм эвазига 6 ой муддатга кредит сифатида 3000 дона “ROSS-308” номли бройлер жўжаларини бир ой муддатга етадиган озиқ овқатлари ва еб идишлари билан биргаликда етказиб беришини ҳамда дастлабки тўлов амалга оширилганидан сўнг, маҳсулотларни 4 кун муддат ичида уйигача етказиб берилишини ваъда қилиб, С.нинг ишончга кирган. Яна бир ҳолат, Андижон шаҳрида яшовчи М.ўзганинг мулкини алдов йўли билан қўлга киритиш учун мақсад қилиб, 2020 йилнинг ноябрь ойида “Telegram” ижтимоий тармоғида “MY5” номида ютуқли канал очиб, тармоқда фойдаланувчиларни қизиқтириш учун “каналга 100 та одам қўшганга 50.000 сўм, 25 та одам қўшганга 250.000 сўм, 10 та одам қўшганга эса 100.000 сўм” деб алдов сўзларини ёзади ва алданиб қолиб ушбу

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
Directory Indexing of International Research Journals-CiteFactor 2020-21: 0.89
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-7-222-226

сохта каналга аъзо бўлганларга “сизга пул ютуғи чиқди, пластик карта рақамингизни расмга тушириб ташлаб юборинг, кейин сизга 4 рақамли махфий код боради, айтиб юборсангиз пул ҳисоб картангизга ўтказилади” деб алдов йўли билан фуқароларни пластик карта рақам ва ушбу платсик картадан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи махфий кодни қўлга киритиб, “UzPAY”, “Cklik” пул ўтказмалари хизмати иловалари орқали электрон хамён очиб, пластик картадаги пул маблағларини ўзини хисоб рақамига ўтказиш билан шуғулланиб келади ва беш нафар фуқарони 28.млн сўм маблағларини фирибгарлик йўли билан ўзига ўзлаштириб олади. Бундан ташқари, айни вақтда “Ўзбекистон почтаси” АЖ номидан баъзи ижтимоий тармоқлар ва Telegram мессенжерида Samsung Galaxy S10 мобиль телефонини ютиб олиш имконияти мавжудлиги борасида амалга оширилаётган акция ҳақида спам-хабар тарқатилиб, совринни олиш учун иштирокчиларга 18 000 сўм миқдоридаги етказиб бериш тўловини амалга ошириш таклиф этилган. Юқорида келтирилган холатлар бўйича жиноят иши очиш, айбдорларни топиш, уларга нисбатан жавобгарлик ва жазо белгилаш, шунингдек, етказилган зарарни ундириш билан боғлиқ муаммолар талайгина эканлиги бу борада илмий тадқиқот ишлари олиб боришни тақозо этади. Ҳозирги кунда фирибгарликнинг замонавий кўринишларидан бири киберфирибгарлик ёки интернет фирибгарлиги бўлиб қолмоқда. Умуман олганда ушбу жиноятнинг барча кўринишларига қарши курашишда ички ишлар органларининг салохиятли, билимли кадирларни тайёрлашни талаб қилмоқда. Бу каби фирибгарлик ҳолатлари банк картаси эгасининг хабарисиз унинг карта ҳисобварағидан пул маблағини ечиб олиш, пароль ва ПИН-кодларни ўғирлаш ва бошқа ноқонуний фаолият турлари билан боғлиқ ҳолатларда ҳам асалга оширилмоқда. Шунингдек, фирибгарлик жиноятининг жабрланувчиси бўлиб қолишдан сақланиш учун қуйидагилар тўғрисида огоҳ бўлиш зарур деб ҳисоблаймиз:

МУҲОКАМА

Биринчидан, ишонтириш мақсадида ўзини банк, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ёки бирон савдо ташкилотининг ходими сифатида таништирувчи бегона шахслардан қўнғироқ бўлиши, СМС-хабарнома ёки ижтимоий тармоқлар орқали турли хабарларнинг келиб тушишидан огоҳ бўлиш;

Иккинчидан, турли совғалар ғолибига айланиш, сизнинг фойдангизга ҳар қандай маблағларни ўтказиб бериш ёки товар ва хизматларни жозибадор

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
Directory Indexing of International Research Journals-CiteFactor 2020-21: 0.89
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-7-222-226

шартларда сотиб олиш каби гўёки жуда фойдали ва кутилмаган имкониятларнинг таклиф этилишидан хушёр бўлиш;

Учинчидан, ютуқларни кейинчалик банк картасига ўтказиб бериш шарти билан турли хил сўровлар ва лотереяларда иштирок этиш таклиф қилинишидан эҳтиёт бўлиш;

Тўртинчидан, ютуқларни қабул қилиш ёки товар ва хизматлар учун тўловларни амалга ошириш мақсадида турли мобиль иловаларни ўрнатиш ёки ҳаволалар орқали банк картангиз ёҳуд шахсий маълумотларингизни киритиш тўғрисида таклифлар берилишидан эҳтиёткор бўлиш;

Бешинчидан, ҳисобварағингиздаги пул маблағлари йўқолиши мумкинлиги ҳақида қўрқитиш ва тезкор қарор қабул қилишга мажбурловчи руҳий босим ўтказиш ҳолатларидан огоҳ бўлиш;

Олтинчидан, ҳисобингизга хатолик билан пул маблағи ўтказиб юборилганлиги ва ушбу маблағларни қайтаришни сўраб қўнғироқ қилиш ҳолатлари бўлганида хушёрлик чораларини кўрилиши зарур.

Ҳозирги кунда “Телефон фирибгарлари” ўйлаш учун вақт қолдирмай, турли гаплар билан чалғитиб, карта маълумотларингизни айёрлик билан қўлга киритади ёки ёлғонларига ишонтириб, пул маблағларини уларга ўз хоҳишингиз билан ўтказиб беришга ундайди.Шу сабабли, фирибгарларнинг турли баҳоналар билан банк картангиз маълумотлари (карта рақами, ПИН-код, СМС-код ва бошқа шахсий маълумотлар)ни билиб олишга уринишларига жавоб бермаслик чораларини кўриш мақсадга мувофиқ бўлади.

НАТИЖАЛАР

Фирибгар фуқаролар “тузоғи”га тушиб қолишнинг олдини олиш ва маблағларини хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ: аввало, ўзини банк, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораси ёки бирон савдо ташкилоти ходими деб таништирган нотаниш фуқаролардан қўнғироқ бўлганда, уларнинг сўзларига ёки кўрсатмаларига амал қилишга шошилмасдан ва шахсий маълумотларини ошкор қилмаслик лозим. Энг маъқули,улар билан суҳбатни тугатиш ва қўнғироқ қилувчилар айтган ташкилот билан қайта боғланиб, улар томонидан берилган маълумотларнинг тўғри ёки нотўғрилигига аниқлик киритиш чораларини кўриш зарур. Қолаверса, ҳар қандай шароитда ҳам ҳар бир фуқаро банк картаси тўғрисидаги маълумотларни (карта рақами, ПИН-код, банк картасининг олд қисми

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
Directory Indexing of International Research Journals-CiteFactor 2020-21: 0.89
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-7-222-226

расмлари) ҳамда ўз шахсий маълумотларини бегона фуқароларга ошкор қилмаслик ва юбормаслик чораларини кўриш мақсадга мувофиқ.

ХУЛОСА

Шунингдек, фуқаролар ўзларига тегишли бўлган банк картаси маълумотларини ижтимоий тармоқларда эълон қилмаслиги лозим. Айнан, махфий маълумотларни киритишни, рўйхатдан ўтиши керак бўлган сайтларда HTTPS:// префикси мавжудлигини текшириб кўришлари тавсия этилади. Агар ташкилотларнинг сайти ёки саҳифаси ҳақиқийлигига шубҳа уйғонса, ушбу ташкилот билан боғланиш ва маълумотларга аниқлик киритиш зарур. Имзоланадиган барча ҳужжатларни диққат билан ўқиш, кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилигини қайта текшириб кўриш мақсадга мувофиқдир.

REFERENCES

1. Барчуков В.К. Терминология мошенничества в сфере компьютерной информации. – М.: Пробелы в российском законодательстве. № 4. 2017 г. – С. 163-165.
2. Зыков Д.А. Виктимологические аспекты предупреждения компьютерного мошенничества. дис. … канд. юрид. наук. Владимир, 2002. – 211 с.
3. Ефремова М.А. Мошенничество с использованием электронной информации // Информационное право. 2013. № 4. – С. 19 21.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди сайтидан. https://stat.sud.uz/.(Мурожат этилган вақти 12.05.2021.)
5. https://bviib.uz/uz/news/shofirkon-tumanida-izhtimoij-tarmolar-orali-firibgarlik-ilgan-samarandlik-shahsning-kirdikorlari-fosh-etildi
6. http://www.qoshrabot.uz/uz/node/661
7. https://nuqtainazar.uz/archives/2901